

---

## Ичимлик суви таъминотидаги носозликлар бартараф этилмоқда

Хабарингиз бор, Риштон шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Осиё тараққиёт банки”нинг кредит маблағлари ҳисобидан Учкўприк тумани Сариққўргон қишлоғида жойлашган “Навбахор” сув иншоотидан Д-400 ммли ичимлик сув тармоғи тортилган. Сариққўргон қишлоғидан ўтувчи Д-400 мм ли ичимлик сув тармоғида 2020 йил 27 март куни соат 7:30 лар атрофида авария ҳолати содир бўлиб ҳозирда ушбу тармоқдаги носозликлар бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунгингдек, Марказ МФЙ Ар Рошидоний кўчасидаги Д-225 ммли ичимлик сув тармоғида 2020 йил 26 март куни авария содир бўлиб ушбу носозликлар шу куннинг ўзидаёқ “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Риштон туман филиали томонидан бартараф этилди. Риштон шаҳар аҳолисига авария бартараф этиш вақтида махсус ичимлик сувини ташиб берувчи транспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берилиши йўлга қўйилган.

Мурожаат учун телефонлар: 99-600-73-70, 91-113-75-22

2020-03-27 16:53:31